# АДАБИЁТ ВА САНЪАТ ОЛАМИДА

# ҲАММАГАП — ИЖОДИЙ АКТИВЛИКДА

### «Ўзбекфильм-87» анъанавий конференциясидан сўнгги мулоҳазалар

**Ўзбек бадиий кинематографиясининг ўтган йили яратилган намуналари билан танишиш жараёнида бир қатор саволларга жавоб изладик: Фильмларда шу куннинг руҳи ёрқин сезиляптими! Бундай картиналар билан киностудия ўз ишини қайта қуриши, ўзини ўзи маблағ билан таъминлаши мумкинми!**

Биринчи саволга ижобий жавоб берса бўлади. Чунки, йирик экран полотноларида ҳам, ушоқ киноновеллаларда ҳам ҳаётий масалаларни кескин қўйишга бўлган эзгу интилишни кўрдик, ҳис қилдик. Ошкоралик дамларини орзиқиб кутган ижодкорлар хоҳлаган мавзуларида, хоҳлаган бадиий шаклларда ранг-баранг асарлар экранлаштиришга киришдилар. Тарих ҳамда ҳозирги кун ҳақида очиқ-ойдин, ҳеч нарсани бекитмай экрандан ҳикоя қилиш имконига эга бўлган санъаткорлар инқилобий ҳаракат иштирокчиларининг жанговар ҳаётидан саҳифалар варақлай туриб, энди мураккаб даврнинг зиддиятларини ҳам очишга интилмоқдалар.

Марказий телевидение буюртмаси билан яратилган ҳамда кичик экран орқали миллионларга кўрсатилган «Инқилоб ваколати билан» (режиссёр З. Ройзман) фильмида оташин революционер В. Куйбишевнинг ҳаёти ва унинг Туркистонда бўлиши билан боғлиқ воқеалар тасвирланди. Айтиш мумкинки, фильм ижодкорлари ғоятда масъулиятли, айни вақтда шарафли вазифанинг уддасидан чиққанлар, яъни улуғ инсон ва курашчига муносиб асар яратилган. Лекин айрим персонажларнинг адабий жиҳатдан бўш ёзилганлигини, уларга маълум чизгилар бериш билан (масалан, актёр С. Умаров ижросидаги Й. Охунбобоев образи) кифояланганлигини ҳам таъкидлаб ўтамиз. Негаки, совет инқилобий фильмининг довруғи аллақачон оламга таралган. Бу соҳада орттирилган катта тажрибалардан ижодий фойдаланиш билан бирга, ошкоралик, демократия принциплари тантана қилаётган ҳозирги куннинг имтиёзларидан баҳраманд бўлиб, янги, ҳали эълон қилинмаган ҳужжатларга аниқ тавсиф берувчи таъсирчан образли воситаларни, ҳаяжонли воқеалар тизмасини экранга муҳрлаш мумкин эди.

Бундай масъулиятли вазифани «Ҳаёт мазмуни» (режиссёр Д. Салимов) картинаси ижодкорлари кўп жиҳатдан бажарганлар. Унинг фазилатлари ҳаётийлигида, ғоявий теранлигида. Раҳбарлик лавозимидаги шахслар фаолиятининг кўпчилик учун маълум бўлмаган томонларини очиб берган мазкур асар режиссёри хилма-хил ролларни тўғри тақсимлаб, ўлкамизнинг неча ўн йиллик қиёфасини таърифлашга ёрдам берадиган нозик чизиқларни танлади ва ҳар биримизнинг кўнглимизга яқин манзараларни тасвирлаш йўли билан ўзбек ўғлони Усмон Юсуповнинг характерига, турли вазиятдаги психологик ҳолатига тавсиф бера олди. Айниқса, Ўлмас Юсупов талқинидаги Усмон Юсуповнинг кучли иродаси, ерга, сувга, Ватанга бўлган муҳаббати ибратлидир. Катта Фарғона канали қурилиши дақиқалари, жўшқин меҳнат жараёнининг маданий ҳордиқ дамларига уланиб кетиши, кетмон, белкурак, замбил кўтарган, яхтак, дўппи кийган, пешонавоғ таққан, ёқимли табассум, ҳазил-мутойиба ила ер қазиш, тупроқ ташиш билан банд бўлганлар ёдимизда сақланиб қолади. Зеро, уларга биз Ватанини, халқини ниҳоятда севган қаҳрамон — коммунист Усмон ака нигоҳи билан боқамиз гўё. Кадрлар завқ бериш билан бирга раҳбарлик қилиш ҳуқуқига эга бўлганларнинг ташкилотчилик таланти, ақл-заковати, кўпчилик олдидаги масъулияти ҳақида фикр юритишга ундайди. Фильмнинг кўпгина ўзбек биографик фильмларидан фарқи ҳам шунда.

Лекин бу асарда ҳам оддийгина хабар ташиш учун хизмат қиладиган эпизодлар бор. Бу сценарий савиясининг даражасидан, режиссёр талабчанлиги ҳамма вақт ҳам бирдай бўлмаганидан далолат беради, албатта.

«Қайта бошдан» (режиссёр Р. Ботиров), «Тушкунлик алами» (режиссёр С. Бобоев), «Клиника» (режиссёр Р. Маликов), «Марҳум ҳурмати» (режиссёр Т. Юнусов) фильмларининг бирида драма элементлари кўзга ташланса, иккинчисида қиссалардагидек воқеаларни бирмунча кенг қамраб олишга бўлган интилиш сезилади. Учинчисида публицистик эҳтирос, яна бирида эса, ҳажв, сатира кучи мавжуд. Ижодкорлар шу куннинг долзарб мавзуларини ёритиш учун турли эстетик шакллардан, кинода ва адабиётда синаб кўрилган услублардан фойдаланишга ҳаракат қилганликларини кўрамиз. Лекин мазкур асарларнинг барчасида юксак мақсадларга эришилган, деб бўлмайди. Бунинг боиси сценарийларнинг заифлигида, режиссёрлар бисотида нозик санъат бўёқлари камлигида.

Фильмларни кўрганингда беихтиёр ажабланасан киши: республикамизда узоқ давом этган турғунлик йиллари жараёни шунчалик мураккаб, хунук воқеаларга бойки, улар ҳажвий жанрнинг турли шаклларида, кинопублицистиканинг фош этувчи кадрларида, чуқур психологик драмаларда, фильм-памфлетларда аёвсиз тасвирланиши мумкин. Қолаверса, ҳаётий материалдан келиб чиқилиб ёзилган бақувват сценарийлар асосида фильм ишлаб, кинонинг бекиёс имкониятларидан фойдаланиб, кечаги кунни ўрганишга, уни янги партия ҳужжатлари асосида баҳолашга кўмаклашиш вақти аллақачон етган. Шундай қилинса, ўша негатив жараён оқибатларини тезроқ тугатиш учун курашаётганларнинг сони, салмоғи янада ўсишига ҳисса қўшилади.

Шу нуқтаи назардан қараганда, палов тайёрлаш ҳунари ила катта лавозимдагиларнинг кўнглини олишга ошиққан йигитнинг узундан-узун саргузаштлари экранда батафсил кўрсатилиши, аварияга учраб қолган ва касалхонада даволанаётган автобус ҳайдовчисини дафн этишни ташкил этиш устида бош қотириб юрган корхона раҳбари ножўя хатти-ҳаракатларининг бўрттирилган ҳолда (қаҳрамоннинг тушлари, ўйлари, шубҳалари ҳам экранлаштирилишини эслатиб ўтайлик) тасвирланиши кишини ўйлантириб қўяди. Шунда кўтарилган мазкур проблемалар тўлиқ метражли фильмга, ҳаттоки тўрт қисмли новеллага етарли асос бўлмаслигини дўстона эслатиб қўйгимиз келади. Телевизион миниатюралар театрининг жажжи асари учун адабий пойдевор бўлиши мумкин бўлган мавзу, материал 35—40 минут давом этадиган ҳажвий киноновелла ижодкорларига илҳом бериши, уларда ҳис-ҳаяжон уйғотиши ва кулги, айни вақтда нафрат уйғотадиган образлар системасини яратиши учун кифоя эмаслигини олдиндан кўра билиш мумкин эди.

Шу кун воқеаларини мутгасил ёритиб келаётган тажрибали режиссёр Р. Ботиров ўз фильмида («Қайта бошдан») яқин ўтмишнинг драматик воқеаларини эслатиб ўтади, улар қайтарилишига йўл қўймаслик ҳақида фикрлашга ундайди. Бу ўринда масала мураккаблигининг таъкидланиши, уни ҳал этиш осон эмаслигининг ҳар бир кадрда уқдирилиши санъаткор турғунлик йилларининг моҳиятини чуқур идрок этганини, бинобарин, бу давр тўғрисида енгил-елпи ҳикоя қилиш ҳақида эмас, ўткир драматик коллизиялар, кучли характерлар тўқнашуви, ҳаётий воқеалар тизмаси ёрдамида эҳтирос билан ҳикоя қилиш хусусида қайғуриш кераклигини эслатади. Шу билан бирга тўғри, принципиал позицияда турган кинорежиссёр бадиий конкретлилик принципларига амал қилиши зарурлигини ёдда тутиши керак, деб ўйлаймиз. Янги асарда драматик воқеалар содир бўлган муҳитнинг ўзига хослигини таърифлаши учун у етарли материалга эга бўлмаганлиги сезилиб туради.

Кинодраматургия, режиссура муаммолари ҳамон кун тартибида турибди. Кинога бир группа ёшлар кириб келмоқда. Уларнинг қизиқарли киноновеллалари (масалан, «Гўзал қиз», режиссёр О. Эргашев, «Сўнгги ов», режиссёр С. Бобоев, «Яхши муомала», режиссёр Р. Маликов бор. Лекин шу билан бир қаторда ёшларнинг кичик ҳажмдаги баъзи асарлари («Унсиной», «Писмиқ») кишида ташвиш уйғотади. Бу кинолентaларнинг драматургик қурилишида тарқоқлик, фикр саёзлиги, ижро сунъийлиги кўзга ташланади. Абдулла Қаҳҳордек адиб тасвирлаган воқеа, образлар моҳиятининг очилмаганига («Унсиной») сабаб, ижронинг бўшлиги, режиссуранинг текис эмаслигидир.

Лекин Нозим Тўлахўжаевнинг бадиий кинодаги биринчи мустақил иши — «Вельд» фильми бу режиссёрнинг катта ижодий имкониятларидан дарак берар экан, у ҳақда ишонч билан фикр юритишга ундайди. Аввал мультипликацион ва актёрлик санъатида танилган бу ижодкор эндиликда йирик бадиий фильмнинг муаллифи ҳамда режиссёри сифатида ўз маҳоратини намойиш этди. У илмий фантастика унсурларига бой бўлган социал драмани яратишда Р. Брэдберининг машҳур ҳикоясидан келиб чиқди. Фильм биринчи навбатда адабий асарнинг гуманистик ғоясини тўла-тўкис очишга кўмаклашадиган сермазмун бадиий воситалари, беихтиёр томошабинга улашиладиган фалсафий ўйлари, умумлашган образлари билан ажралиб туради.

Бу лента алоҳида таҳлилга лойиқ бўлгани сабабли унинг яна биргина фазилатини эслатиб ўтиш билан чекланамиз. Муаллиф-режиссёр адабий асарнинг ғоявий мазмунини сценарийда, фильмда ҳам сақлаб қолиш ниятида бадиий сўзга мос келадиган аниқ тасвирий-овозли образлар ижод этган. Ҳар бир кадр, эпизод композицияси тузилишида тасвирий санъатнинг тажрибаларидан ҳам ижодий фойдаланилгани сезилади. Натижада адабий жиҳатдан баркамол, тасвирий тили бой асарнинг олижаноб ғояси ҳар бир томошабинга етиб боради.

Нафис бўёқларга бой бўлган бу асарни кўрганимизда яна бир мулоҳазага келдик. Киностудия, Кинематографчилар союзи Н. Тўлахўжаевнинг талантидан миллий шаклдаги асарларни яратишда фойдаланишса бўлмасмикин? Эҳтимол, унга мавзу бериш, ўзбек адиблари билан ҳамкорликда ижод этиши учун шарт-шароит яратиш керакдир. Ана шунда чуқур фикр, интернационал мазмун миллий шаклларда очилар, санъаткорнинг ижодида эса янги, сермазмун босқич бошланган бўлур эди.

Ана шундай фикр, яъни ижодкор ва унинг имкониятларидан тўғри, билиб фойдаланиш керак, деган мулоҳаза «Ўзбекфильм»да 1987 йилда ишлаб чиқарилган кинолентaларга бағишлаб ўтказилган навбатдаги анъанавий конференцияда ҳам алоҳида таъкидланди. Конференцияда қилинган доклад, қўшимча докладлар, муҳокамада иштирок этганларнинг нутқларида киностудиянинг ўтган йилги фаолиятига принципиал, профессионал баҳо берилди. Конференцияда қатнашган қардош санъатшуносларнинг фикр-мулоҳазалари айниқса диққатга сазовордир. Масалан, «Мосфильм» киностудияси «Союз» уюшмасининг бош редактори В. Шитова, санъатшунослик кандидати А. Волковнинг маърузаларида ўзбек бадиий ва мультипликацион фильмларининг сценарийлари муаллифлари орасида маҳаллий авторлар камлиги, асарлар асосини асосан таклиф этилганлар ёзаётганлиги, миллий маданият анъаналари, тажрибаларидан кинода кам фойдаланилаётганлиги жонкуярлик билан холисона қайд этиб ўтилди. Москвалик ҳамкасбларимизнинг бу муаммоларни кўтариб чиқишлари ва бир қатор заиф сценарийлар ҳамда фильмлар мисолида ўз фикрларини исботлаб беришлари барчага бирдай маъқул бўлди. Шунингдек, улар кинематографиямизда бадиий ижод олдига қўйиладиган биринчи талаб — психологизм масалаларини ҳал этиш зарурлигини «Марҳум ҳурмати», «Тушкунлик алами» каби фильмларни конкрет таҳлил қила туриб ҳам айтдиларки, бу ҳам ёш санъаткорларга сабоқдир.

Хулоса шуки, мақоламизнинг бошида келтирилган саволларнинг иккинчисига ҳали ижобий жавоб беришдан узоқмиз. Чунки, «Ўзбекфильм» ўзини мафкура ва иқтисод жиҳатдан оқлайдиган бир-икки фильм билан бирга хом, заиф асарлар ҳам ишлаб чиқармоқдаки, уларнинг эстетик қимматн, суратга олиш даврида сарфланган маблағни қоплаши ҳақида ишонч билан сўзлаб бўлмайди. Бинобарин, кинокўзгу ҳамиша сезгир, зийрак бўлиши, ҳозирги мураккаб воқеаларни илғаб олиб, зиддиятларни силлиқламай катта бадиий куч, маҳорат билан тасвирлаши керак. Бундан ўз ишини қайта қуришга интилаётган санъаткорлар ҳам, ҳаётий лентaларнинг қадрига етадиган билимдон томошабинлар ҳам умидвордир.

**Ҳ. АКБАРОВ,**
**филология фанлари доктори.**

## • *Ёшлар ижодидан*

**Гулчеҳра РАҲИМОВА,**
**Қорақалпоғистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати**

### Бахтлиман

Мен йўқолган билан кичраймас олам,
Шу битта жонимни мингга бўламан.
Ҳатто бу дунёдан кўз юмганда ҳам,
Ўлсам Ватанимнинг жони бўламан.

Юлдузлар такрорлаб юрар номимни,
Ўйладим ҳаммани ўзимдан кўпроқ.
Ўғил-қизларимдек қучар жисмимни,
Она деб кўз очган шу азиз тупроқ.

### Инсон

Уруш — юракларда занглаб қолган ўқ,
Ёки совуқ уриб кулмаган ғунча.
Отамнинг дардини англаганим йўқ,
Ҳаёт қозонида қайнамагунча!

Қардош мамлакатлар бахтга ёр экан,
Бошимни силаркан забардаст қўллар.
Пойтахт Москвага олиб боракан,
Шу кичик кўчамга туташган йўллар.

Пухта ўрганяпмиз биз ҳаёт дарсин,
Партия ва Ленин доим бизга бош.
Тинчлик бўлсин дея нур сочар ҳар кун,
Кўкда юраклардек порлаган қуёш.

Ҳеч вақт ўқ ва қора ерга суянмайди,
Биздек ўғил-қизга суянган халқим.
Бари қолиб кетар ташвишлар майда,
Ёритар ер шарин Инқилоб — ёлқин.

Қирғин қурол билан қилмаймиз пойга,
Ўтар кунларимиз шон-шараф билан.
Ёзяпмиз дилларга, чўлларга, ойга,
Инсон деган номни Бош ҳарф билан.

### Минбарлар

Тўғри, соф фикрлар бойитилиши керак,
Турар орқамизда жанговар сафлар.
Айнан мана шу ерда айтилиши керак,
Тилдаги, дилдаги ҳаққоний гаплар.

Бўлмайди ҳеч қачон дунё кўзга тор,
Меҳнат руҳлантирар БАМга мардларни,
Очиқ минбарларда қиляпмиз изҳор,
Халқнинг қалбидаги севинч-дардларни.

Курол ясамаймиз биз болалардан.
Бутун қилар улар халқнинг нонини.
Пахтазор, буғдойзор — кенг далаларда,
Еймиз эрта-ю-кеч Тинчлик ғамини.

Бугундан ёруғроқ бўлиш-чун эрта,
Кўз нурин бахш этдик юртга баримиз.
Чунки биз шохи бир, меваси мингта,
Униб-ўсган халқнинг фарзандларимиз.

Йўлдош бизга Тинчлик ғамин еганлар,
Етар овозимиз ҳар бир инсонга.
Поймимизда гуллар, алвон минбарлар,
Жўр бўлар: «Тинчлик керак жумла
жаҳонга!»

## • *Қирғизистондан хат*

# «ЖАННАТГА ЙЎЛ» — САҲНАДА

С. М. Киров номидаги Ўш область ўзбек музикали драма театрининг ижодий коллективи яқинда Ҳамза номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофотининг лауреати, шоир Абдулла Ориповнинг «Жаннатга йўл» драматик достонини саҳналаштирди. «Жаннатга йўл» — ҳаётдан узоқ бўлган афсона эмас. Жаннат, дўзах, қиёмат — булар бадиий восита бўлиб, асарда бугунги кун тасвирланади. Бу — дўстга садоқат, ҳалоллик, бировнинг ҳақига кўз олайтирмаслик, ҳалол яшаш, порахўрликни қаттиқ қоралаш, инсонларга нисбатан ғамхўрлик, ростгўйликка интилиш йўлидир.

Барча соҳада қайта қуриш кетаётган шу кунларда асарнинг тарбиявий аҳамияти катта, албатта. Театр коллективи бу асарни танлаганида шуни назарда тутди, ундаги ғояларни одамларга етказиш ва уларга сингдириш зарур деб ҳисоблади.

Спектаклда тарозибон, ота ва она ролларини ижро этган Қирғизистон ССР халқ артисти Неъматжон Неъматов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ш. Дадажонов, Қирғизистон ССР халқ артисти Т. Солиевалар томошабинлар олқишига сазовор бўлишди.

Драма муваффақиятида Тошкент телестудиясидан таклиф этилган режиссёр Ҳамид Қаҳрамонов, бастакор Муҳаммаджон Шокировларнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтиш керак. Режиссёр асар ғоясини томошабинга етказиб беришга эришган. М. Шокиров таъсирчан музикалар басталаган. Рассомнинг асар мазмунини кучайтиришга хизмат қилган ишлари ҳам диққатга сазовор.

«Жаннатга йўл» драматик достони санъат мухлислари қалбидан ўрин олди. Асар томошабиннинг кўзини очади, атрофда юз бераётган воқеаларга бефарқ бўлмасликка, виждонни уйғотишга, ноҳақликларга қарши курашга даъват этади. Спектакль одамларни ана шу руҳда тарбиялашга хизмат қилишига ишончимиз комил.

**Абдуқаҳҳор МАННОПОВ.**



Қайта қуриш одимлари Ўрта Осиёда энг йирик киностудия «Ўзбекфильм» ижодкорлари фаолиятига ҳам поклаииш, янгиланиш нафасини олиб келди. Коллектив жамиятимизда содир бўлган ва бўлаётган иллатларни дадиллик билан экранларга олиб чиқа бошлади.

СССР Давлат мукофотининг лауреати, Ўзбекистон ССР халқ артисти кинорежиссёр Элёр Эшмуҳамедов суратга олаётган «Танқиддан ҳоли зона» фильми ҳам ана шу дадилликнинг яна бир исботи дейиш мумкин.

Суратларда: 1. Фильмни суратга олиш пайти. 2. В. Маяковский номидаги Душанбе давлат рус драматик театри артисти Фарида Мўминова бош ролини ижро этмоқда.

Р. ШАГАЕВ фотоси (ЎзТАГ).



# МИЛИЦИЯ КЎРМАЙДИМИ?

### Ўзбекистон ССР Ички ишлар министрлиги раҳбарларининг ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашуви

Жамиятнинг барча жароҳатларини маъмурий чоралар билан тузатиб бўлмайди. Бундай даъволашда деярли ҳар бир гражданнинг қатнашмоғи зарур. Лекин одамни ҳаракатга келтириш учун унга нақадар аччиқ бўлмасин бор ҳақиқатнинг ҳаммасини маълум қилиш керак. Кенг кўламдаги ошкоравийлик ички ишлар органларининг ишига халақит бермаяпти, деб берилган саволга қайтарилган жавоб шундай бўлди.

Республика Ички ишлар министрлигининг масъул ходимлари билан Тошкент Кино уйида ўтказилган учрашувида бошқа кўпгина саволлар қаторида ана шу савол ҳам берилганди. Учрашувни Ўзбекистон ижодий союзлари кенгаши ташкил этди.

Ички ишлар министрлигининг вакиллари социалистик мулк ва жамоат мулкини ўғирлаш, гиёҳвандлик, фоҳишабозлик, ўспиринлар жинояти каби хунук ҳолларга қарши курашдаги ишларнинг ҳақиқий ҳолатини ёритишга ҳаракат қилдилар.

Ошкоравийлик ҳақидаги масалани олайлик. Гиёҳвандлик тўғрисида кўп йил индамай келинди. Энди бўлса гапиришнинг ўзи етмайди. Баралла гапириш керак. Милиция ҳарчанд курашаётганлигига қарамай, гиёҳвандлик кўпайиб бормоқда. Республикада расман рўйхатга олинган гиёҳвандлар сони минг-минглаб ҳисобланади. Аммо ҳали рўйхатга тушмаганлари кам деганда бундан уч баравар кўпдир, деди учрашувда Ўзбекистон ССР ички ишлар министрининг биринчи ўринбосари Э. А. Дидоренко. Ички ишлар министрлиги ходимларининг ҳисобларига кўра, биргина гиёҳванд истар-истамас ўрта ҳисобда 5 кишини гиёҳвандликка тортади. Гиёҳвандликнинг ўсиш базаси мана шундай.

Гиёҳвандликнинг «билвосита» социал хавф-хатари ҳам оз эмас. Учрашувда айтилишича, битта гиёҳванд бир кунда кайф қилишга ўрта ҳисобда 20 сўмча сарфлайди. Бундай пулни ҳалол меҳнат қилиб топиш, амримаҳол. Ана сизга жиноятлар келтириб чиқариш замини. Яна бир рақам келтирилди: республикамизда гиёҳвандларнинг наркотик моддалар харид этишга бир йилда сарфлаган умумий харажати ўғирлаш, талончилик қилиш ва мол-мулкка доир бошқа хил жиноятлардан келадиган умумий зарар пулидан анча ошади. Хўш, шу рақамлар ўртасида алоқа борми? Албатта бор, дейди министрнинг биринчи ўринбосари. Гиёҳвандликка қарши курашда ички ишлар органларининг ёлғизлиги давом этаверса, бу ишнинг оқибатлари ниҳоятда оғир бўлиши мумкин деди у.

Бултур «Қоракўкнори» операцияси ўтказилди. Бунда қорадори берадиган 117 гектар кўкнори майдонлари пайҳон қилинди ва шу билан 37 тонна наркотик модда тайёрлашга йўл қўйилмади. Ҳолбуки, бунча модда билан 27 минг актив гиёҳванд йил мобайнида таъминланиб туриши мумкин эди. Қорадори тайёрловчи ва уни сотувчиларнинг уюшган жиноий группалари фош этилди. Масалан, Самарқанд областининг Ургут районида кўкнори ва наша экилган 200 тадан кўпроқ участка топилди ва йўқ қилинди. Бу участкаларга сўқмоқлар олиб боради, суғориш учун сув ғамланган чоҳлар келтириб қўйилган. Бу участкаларнинг ҳаммаси колхоз далаларининг орасида яширинган. Хўжаликларнинг раҳбарлари, мутахассислар буларнинг ҳаммасини кўрмади, билмади, дейсизми? Ундай бўлиши мумкин эмас. Бошқа жойларда ҳам аҳвол шундай. Милиция 10 миллионлаб гектар ерларни муфассал назорат этиб чиқишга қодир эмас, шу ердан фойдаланувчи Давлат агросаноат комитети, Сув хўжалиги министрлиги ва бошқа ташкилотлардан эса нажот йўқ.

Матбуот шанига ҳам таъналар айтилди. Мақолаларда гиёҳвандликнинг социал хавф-хатари етарлича айтилмайди. Ана шу мавзудаги кўпгина мақолалар чуқур мазмунга эга эмас. Бу мақолалар проблеманинг моҳиятига етиб бормайди ва уни дам милиция томонидан, дам медицина томонидан кўриб чиқади. Ҳолбуки, бу комплекс проблемадир. Уни ҳал этишда кўпгина министрликлар ва идоралар, Советлар, халқ маорифи органлари, комсомол қатнашиши зарур. Қатнашишлари керак-ку, аммо ҳозирча бу иш билан жиддий шуғулланишмаяпти ва шу нарса кўпроқ кишини ташвишга солади.

Кейинги йиллар Ўзбекистонда жиноятчилик умуман камайгани ҳолида балоғатга етмаган болалар жиноятларининг кўпайганлигига, айниқса, тоқат қилиб бўлмайди, деди республика жиноят қидирув бошқармаси бошлиғининг ўринбосари В. П. Сахно. Шу нарса кўпгина оилаларда аҳвол дуруст эмаслигини, мактаб билан комсомол иши пассив эканлигини акс эттиради. Ёшларнинг меҳнат қилиш ва бўш вақтларини ўтказиш проблемалари анча катта аҳамият берилишини тақозо қилади. Ҳар йили мактабни битирган минглаб болалар ишсиз қолиб кетаётганликлари сир эмас.

Мактаблар ва ҳунар-техника билим юртларининг ходимлари конкрет тарбия фаолиятидан кўра ўқув ишлаб чиқариш планларини бажариш билан кўпроқ оворадирлар. Улар «тарбияси қийин» ўспиринлар билан шуғулланишни хоҳламайдилар, уларнинг оилаларидаги аҳволни билмайдилар. Ҳолбуки, алкоголлар, гиёҳвандлар, ҳуқуқ бузувчилар ва бошқа социализмга ёт унсурларнинг оилаларида ўн минглаб болалар ўсмоқда. Шундай болаларни мактаб, ҳунар-техника билим юртлари, жамоатчилик айниқса диққат билан кузатиб бормоғи лозим. Хўш, бунинг учун уларда куч-қувват етарлими? Керагидан ортиқча, деб жавоб қилади В. П. Сахно. Ахир республикада ўртоқлик судлари, жамоат тартибини сақлаш пунктлари балоғатга етмаган болалар ишлари билан шуғулланувчи жамоатчилик инспекциялари, комсомол оператив отрядлари каби жамоат органларининг ўзигина ўн минглаб ҳисобланади. Ҳисобга олинган ҳар бир ўспиринга тўрттадан катта ёшдаги мураббий биркитилган. Ана шундай катта «ялпи» кўрсаткичларнинг самараси жуда оз бўлмоқда. Ҳисоботлар устига ҳисоботлар ёзиш билан эмас, балки иш билан жиддий шуғулланиш керак.

Республика ички ишлар министрининг ўринбосари Г. Р. Раҳимов давлат ва жамоат мулкига тажовуз қилинишига қарши курашдаги ишларнинг аҳволини гапириб берди. Бултур шундай ўғирликлар етказган моддий зиён аввалги йилга нисбатан 15 миллион сўмдан кўпроқ бўлди. Пахта иши деб аталмиш айниқса нозик масалага келганимизда, бунда қувонарли ўзгаришлар юз берди. 1985—1986 йилларда пахта билан қаллоблик қилганликлари учун 4,5 минг киши жиноий жавобгарликка тортилган бўлса бултур бундай кишилар бармоқ билан санарли бўлди. Министрнинг ўринбосари буларнинг ҳаммасини иттифоқ ва республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари агросаноатимизни уюшган жиноятчилик қилмишларидан тозалаш борасида ўтказган катта ишлар билан боғлади.

Аммо ташвишланиш учун сабаблар жуда кўп. Шундай масалалардан бирини олиб кўрайлик: министрликлар, идоралар, корхоналарнинг кўплаб ревизор ва контролерлари нима билан шуғулланади. Ўтган йили ички ишлар органлари корхоналар ва ташкилотларда 4,5 мингтадан кўп ўғирликни фош этди. Айни маҳалда идораларнинг ўзидаги контрол-ревизия хизмати атиги 250 та фактни берди. Шунда ҳам кўпчилик ҳолларда уларни исбот этиб бўлмади.

Кўпгина фактлар бу системадаги ишлар кўнгилдагидек эмаслигини кўрсатиб турибди. Биргина мисол келтирайлик: Қашқадарё областидаги магазинлардан бирида ревизия ўтказилганида бир неча минг сўм камомад чиқди. Аммо ревизорлар ва раҳбарлар бу ревизия натижаларини яширдилар. Магазин мудири бошқа бир магазинга, ундан кейин учинчи, тўртинчи магазинга ўтказилди. Натижада унинг камомади энди 212 минг сўмга етди ва қилган жиноятларини яшириш учун магазинга ўт қўймоқчи бўлиб турганида ушланди.

Кишини қаттиқ ўйлантирадиган яна бир хабарни айтайлик: 1986 йилда 20 минг ташмачи ушланган бўлса, бултур уларнинг сони 34 мингга етди. Хўш, социалистик мулк сақланиши учун биринчи навбатда ким жавоб беради? Албатта коллективнинг ўзи, унинг раҳбарияти жавобгардир. Бултур республикада ғаразли жиноятлари учун илгари ҳам суд қилинган бир ярим минг киши моддий жавобгар бўлган мансабларда ишлаганлигига ким жавоб беради?

Жиноят кодексидаги бир модда социалистик мулкни талон-торож қилувчиларига нисбатан мунтазам чора кўрмай келганлиги учун мансабдор шахслар қаттиқ жазоланишини кўзда тутади. Лекин шу модда деярли қўлланилмаяпти. Ана шу сабабдан ҳам ташмачиларга қарши кураш тегирмоннинг парраклари билан жанг қилишни эслатиши мумкин. Мисол учун Жомбой гўшт комбинатини олайлик. Бу ерда ўғирлик катта эканлиги фош этилган эди. Бир қанча ходимлар, шу жумладан директор жиноий жавобгарликка тортилди. Яқинда эса милиция ходимлари яна ўша таниш корхонага бордилар. Улар сменадан кейин ишчиларнинг уй-уйига тарқатадиган идора автобуси комбинат дарвозасидан жўнаб кетаётганида келиб қолдилар ва автобусдаги 48 йўловчининг ҳар биридан ўғирланган гўшт топдилар...

Бирон тартибсизликни кўрсак, милициянинг кўзи қаёқда? — деб ғазабланамиз. Умуман, нима бўлса ҳам милициядан хафа бўлишга ўрганиб қолганмиз. Бунинг боиси бор. Кейинги йиллар давомида фош этилган жиноятлар ва суиистеъмол этишларда ички ишлар органларининг кўпгина ходимлари қандай хунук роль ўйнаганликларини ҳамма билади. Кейинги уч йилда 4,5 мингдан кўпроқ киши салбий сабаблар билан органлар сафидан бўшатилди, шулардан бир неча юз киши жиноий жазо олди. Уларнинг ўрнига янги кишилар келди. Орган сафларини тозалаш ишлари давом этмоқда. Республика Ички ишлар министрлигининг ўтган йил охирларида газеталарда эълон қилинган анкетаси ҳам шундан далолат беради. Анкетада ҳар бир газетхондан милициянинг иши тўғрисидаги мулоҳазалари ва бу ишга берадиган баҳосини айтиш таклиф этилган. Жамоатчилик фикрини таҳлил этиш органларнинг ўз хизматларида тартибни мустаҳкамлаб олишларига, уларнинг фаолияти самарадорлигини оширишларига ёрдам беради.

Ички ишлар министрлиги вакилларининг кўп йиллар мобайнида биринчи марта Тошкент Кино уйида ўтказган учрашуви ўзимизга ҳам бир назар ташлашга ундади. Хўш, ўзимиз қаёққа қараяпмиз? Ҳолбуки, гап министрликнинг ички ишлари тўғрисида эмас, балки жамиятимизнинг соғломлиги сингари ҳаммамизга тааллуқли иш тўғрисида боряпти.

**И. ХИСОМОВ,**
**ЎзТАГ мухбири.**

